



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLYI VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MADANIYAT VAZIRLIGI



BUXORO VILOYAT
HOKIMLIGI



THE SIGNIFICANCE OF BUKHARA IN THE ISLAMIC CIVILIZATION

INTERNATIONAL SCIENTIFIC- PRACTICAL ONLINE CONFERENCE



28-29 May, 2020
Bukhara

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА
КАФЕДРАСИ**

**“БУХОРОНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДАГИ ЎРНИ ВА
УНГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ”**

мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуман (видеоконференция)

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

28-29-МАЙ 2020 ЙИЛ

БУХОРО, 2020 йил

муҳим аҳамият касб этган бебаҳо мумтоз асарлар қаторига киради. Ҳозирги мураккаб глобаллашув шароитида ёшларимизни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя этиш ва уларда миллий ўзлигини англаш туйғусини шакллантиришда ҳамда ёшларни маънавий-ахлоқий кифёсини шакллантиришда Ҳусайн Воиз Кошифий илмий мероси муҳим назарий манбалардин бири бўлиб хизмат қилади.

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ РУҲИЯТ ФАЛСАФАСИ

Музаффаров Фируз Давронович

БухДУ кафедра мудири, Фалсафа доктори (PhD)

Имом Ғаззолий (1058-1111) “Кимиёи саодат” асарида: “Агар хоҳй, ки худро бишиносй, бидон, ки туро ки офари-даанд, аз ду чиз офаридаанд: яке ин колбади зоҳир, ки онро тан гўянд ва вайро ба чашми зоҳир метавон дид; ва дигаре маънии ботин, ки онро нафс гўянд ва чон гўянду дил гўянд ва онро ба басирати ботин тавон шинохт ва ба чашми зоҳир натавон дид”¹, яъни, ўзингни танимоқ, билмоқ истасанг, икки нарсдан яратилганлигингни билгин. Бири зоҳирий қолип. Бу бадан дейилади. Кўз билан кўрса бўлади. Бошқаси ботин маъносидадир. Унга нафс ва жон дерлар, қалб дерлар. Бу фақат ҳақиқат кўзи билан билинади. Зоҳирий кўз билан кўрилмайди. Демак, инсоннинг ҳақиқати, асли бу ботин маъносида бўлиб, ундан бошқаси унга тобедир

Аллома худди шунга ўхшаш қарашни “Илоҳий илм” деб номланган рисоласида ҳам таҳлил этади. Унингча, инсон икки қарама-қарши нарсдан яратилган. Биринчиси жисм бўлиб, йўғонлиги бўлган, пайдо бўлган ва бузилишга кирган, органик ва кимёвий билимлардан вужудга келган ва борлигининг давомини бўлишига ташқи факторлар сақламаган мураккаб бир бино. Иккинчиси эса ёруғ, идрок этадиган, бажарувчи, ҳаракат эттирувчи, таъсирланувчи, жисм ва органларни аниқловчи бир жавҳар бўлган руҳдир.

Мутафаккир мулоҳазаларига кўра, жасад озиқ-овқат моддаларидан майдонга келиб, қоннинг молекулалари билан бойитилади ва бу “ҳайвоний руҳ” дейиладики, ҳис, ҳаракат, шаҳват ва ғазаб қувватлари унинг аскарлари ҳисобланади.

Қора жигарда бўлган қувватни эса Ғаззолий “табиий руҳ” дейди.² Ҳазм ва бўшамок бунинг амрида бўлиб, табиий қувватларнинг ҳаммаси баданнинг хизматкори. Бадан эса, ҳайвоний руҳнинг хизматида. Чунки, бадан қувватни ҳайвоний руҳдан олиб, унинг ҳаракат беришига кўра, иш қилади.

Аллома “руҳ” калимасини қўллаган вақтда, тазаккур, таҳфиз, тафаккур, тамийз хусусияти бўлган, қалби ва ақл-идрокка эга бўлган илмларни осонлик билан ўрганган, мавҳум тасаввурларни қамраб олиш хусусияти бўлган мукамал жавҳарни назарда тутди. Бу жавҳар бошқа руҳларнинг ва қувватларнинг раҳбари бўлиб, ҳам ҳайвоний руҳ, ҳам табиий руҳ ва бадан унинг амридадир.

Мутафаккир нафси нотиқа дейилган бу жавҳарнинг ҳар маслак арбобига кўра, бир исми борлигини, файласуфлар бу жавҳарни “нафси нотиқа”, “Қуръон”, “нафси мутмаина”, “амри руҳ”; мутасаввифлар эса “қалб” дея номлаганларини ва номлар ихтилофли бўлгани билан маъно ёлғиз бўлиб, унда ҳеч бир айрилиқ йўқлигини ҳамда нафси нотиқа жонли, фаол, идрок этадиган бир жавҳар эканлигини тушунтиради.

“Нафсининг маърифатида илоҳий босқичлар”, деб номланган рисолада аллома “инсон – бу гапирадиган, ўйлайдиган, куладиган ва вертикал бўйга эга бўлган жонли бир борлиқдир”³, деб тушунтиради.

Мутафаккир эътирофича, руҳ - жисм, араз ва жавҳар бўлишининг шартини уч қисм. Ҳайвоний руҳ латиф бир жисм. У қалб фонусига қўнган ёнаётган бир лампа каби. Бу ерда Ғаззолий қалб билан кўкрак ичида муаллақ бир вазиятда турган конус шаклини назарда

¹ Хужжат ул-Ислом имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. Қўлёзма. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 527. – В. 24.

² İmâm Gazzâlî. Risâletü't-Tecrîdî fî kelîmeti't-Tevhîd & er-Risâletü'l-ledünniye (Tevhid ve Ledün Risâlesi). İstanbul-bul: Furkan Yayınları, 1995. – Б. 73.

³ İmâm Gazzâlî. Meâricül' Kuds fî ma'rifeti'n-nefs. (Hakikat Bilgisine Yükseliş), trc. Serkan Özburun. İstanbul: İnsan Yayınları, 1995. – S. 41.

тутади. Ҳаёт бу лампанинг ёруғлиги, қон ёғи, ҳис ва ҳаракат нури, шахват ҳарорати, ғазаб тутуни, егуликка эҳтиёж туйиш ва қоражигарда бўлган қувват унинг хизматчиси, соқчи ва вакилидир. Бутун жонлиларда ҳайвоний руҳ мавжуд. Инсоннинг ўзи жисм бўлиб, асарлари араздир.

Инсон ҳайвоний руҳ воситасида илмларни англамоққа кучи етмайди. Унинг борлиги тананинг борлигига боғлиқ бир хизматчи бўлиб, тананинг ўлиши билан бирга ўлади. Қондаги моддаларнинг миқдори ортган вақтда ҳарорати ҳам юксалади, акс ҳолда бу чироқ сўнади. Ғаззолий чироқнинг сўнишини тананинг ўлиши деб, тушунтиради.

Аллома мулоҳазаларига кўра, руҳ - жавҳарларга оид васфларни қабул этиб, бузилмаган, йўқолмаган, ўлмаган, балки шариатда билдирилгани каби бадандан айрилган ва қиёмат куни қайтиши кутилган бир нарсадир. Нафси нотиқа дейилган бу руҳ мустақил жонли, мукамал бир жавҳар бўлиб, иймоннинг соғ ёки бузуклиги ундан туғилади. Табиий руҳ, ҳайвоний руҳ ва бутун тананинг қувватлари унинг аскарлари ҳисобланади. Бу жавҳар, мавжудотнинг ҳақиқатини, маълумотнинг суратини, уларнинг зоҳирий ва зотийла машғул бўлишини англатади.

Мутафаккир ўз қарашларини давом эттириб, нафси нотиқа бир жавҳар бўлиб, бадан у учун ҳозирланган бир макондир, дейди. Руҳ нурининг зоҳир бўлган илк ўрни димоғ бўлиб, бу ер унинг ўзини кўрсатадиган, унга хос бир қароргоҳдир. Руҳ димоғининг олд қисмини қоровул, ўртасини вазир ва мудир, орқа қисмини эса хазина ва хазинадор ўрнида, деб кўрсатади.

Ғаззолий ёзади: “Баданнинг бутун аъзолари ўзига хос кўринишга эга. Ҳайвоний руҳ хизматчи, табиий руҳ вакил, бадан улов, дунё майдон, ҳаёти мато ва мол, ҳаракати тижорат, илми фойда, охирати мақсад ва тушиш ери, шариати йўл ва булоқ (манба), нафси аммора кўзгу ва кўрувчи, нафси лаввома танбеҳ берувчи, туйғулар жосус ва назорат қилувчи, дини зирх, ақлни устоз, ҳиссиётни талаба қилган”¹.

Ғаззолий тана ва руҳнинг бирини иккинчисидан фарқ қилишни ҳамма ҳам илғай олавермаслигини таъкидлайди. Унингча, барча мавжудотларнинг турлари одам вужудида мавжуд. Шу сабабли, инсоннинг яратилишида тўрт хил: Итлик, тўнғизлик, шайтонлик ва малаклик сифатлари мавжудлигини кўрсатади. Демак, инсондаги бу сифатлар тарбияланмаса, ҳатто илоҳий сифатлар ҳам ёмонликка хизмат қилиши мумкин.

Аллома мулоҳазаларига кўра, аввал ҳайвоний сифат ғолиб бўлади. Кейин эса, унга йиртқичлик сифати эргашади. Агар бу иккаласи жамланса, улар макр, алдаш, хийла каби шайтоний сифатларда ақлни ишлатади. Бу нарса инсонда яратувчига хос сифатларнинг ғолиб бўлишига олиб келади.

Ғаззолий инсоннинг ушбу хусусиятлари ўртасидаги қарама-қаршиликларда маънавий-руҳоний хусусият устунлиги инсон маънавий камолотининг гарови деб кўрсатади. Зеро, тана эҳтиёжи инсонни тубанликка етакласа, руҳ эҳтиёжи инсонни юксакликка кўтаради. Шу асосга кўра, тана эҳтиёжларини меъёрида бўлишини таъминлаб, руҳни тарбиялаш зарур.

Билгинки, дейди Ғаззолий Ҳақ таоло одамни ўйин-кулги, еб-ичиш учун яратгани йўқ. Балки, инсоннинг яралишидан мақсад Аллоҳ ўзини танитмоқ учундир. Шунингдек, Аллоҳ инсон танасини паст ва безътибор қилиб яратган, аммо, унга Парвардигор даргоҳидаги руҳни кийгизган. Руҳ тупроқдан бўлган танани ўзига макон қилиш билан бирга, унга аралашиб, ифлосланиб боғланса, унинг ҳалокати аниқ. Лекин, юқоридаги боғлиқликда тана риёзат машаққатлар билан ифлосликлардан пок бўлса, Ҳақнинг ҳамсоялигига муяссар бўлади. Демак, инсон Аллоҳнинг бандалигига лойиқ бўлиши учун ўз танасига нисбатан подшоҳлик мақомида туриши лозим. Аммо, дейди Ғаззолий инсонлик жавҳари яратилишининг аввалида нуқсон билан яратилган. Мутасаввиф бу фикридан кўринадики, инсон меҳнат ва машаққатсиз бу нуқсонлардан қутилиб, камолга етиши мумкин эмас. Инсон мужоҳада, яъни риёзат ва ибодат билан Аллоҳнинг жамолига мушарраф бўлиши мумкин.

Ғаззолий “Бидон, ки калиди маърифати Худои азза ва чалла маърифати нафси хеш

¹ İmâm Gazzâlî. Risâletü't-Tecrîdi fî kelîmeti't-Tevhîd & er-Risâletü'l-ledünniye (Tevhid ve Ledün Risâlesi). İstan-bul: Furkan Yayınları, 1995. – B. 80.

аст¹”, деб ёзади. Яъни, Аллоҳни танишнинг калити, инсон ўз нафсини танишидир. Инсонга ҳеч бир нарса ўзига ўздан яқинроқ эмас. Шу асосга кўра, инсон ўзини танимаса, ўзгани таниёлмайди. Шу сабабли Ғаззолий сен ўзингни танишда бошинг, юзинг, қўлинг, оёғинг ва гўштан бошқа нарсани билмайсан. Ботинингда билганинг эса, очикқан вақтда емоқ, ғазабинг келган вақтда бир кишига иззо бермоқ, шахватинг ғалаба қилган вақтда хотинингга яқинлашмоқдан ортиқ бир нарса эмас. Бу ишларда бутун ҳайвонлар сенингга бир хилдир, дейди.

Инсонда илоҳийлик мавжуд бўлиб, бу хислати уни комиллик даражасига етказди. Ғаззолий ўз қарашларида инсоннинг зоҳирий ва ботиний томони мавжудлигини таъкидлайди. Инсонни яхлит билиш, тизимли ўрганиш учун унинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний томонларини ўзаро алоқадорликда ўрганиш лозимлигини уқтиради. Ғаззолий инсон танаси ҳақида фикр юритар экан, инсон танасида неча минг пай ва томирлар бўлиб, ҳар бир навъ ўз шаклига эга. Ҳар бир шаклга эга бўлган навъ маълум бир мақсад учун яратилган. Инсон буларнинг баридан беҳабар бўлиб, кўп борса биладигани қўлни тутмоқ учун, оёқни юрмоқ учун ва тилни гапириш учун яратилгани. Аммо, - деб ёзади Ғаззолий - кўз ўн табақадан иборат ва ҳар бир табақага зарар етса, кўришга зарар етади. Инсон кўз илмидан хабардор бўлгани билан, ички аъзолар ҳосиятидан беҳабар. Қоражигар, талоқ, ўт пуфаги, буйрак ва бунга ўхшаш ички органларининг вазифаларини ҳам билмайди.

Ўз қарашларини давом эттириб, қоражигарнинг танадаги вазифаси, меъдадан ўзига келган ҳар хил егуликларни қон рангида бир ҳолга келтиради ва уни бутун вужудга ёяди. Қон жигарда бўлган вақтда устида сариқ рангли кўфик бўлади. Бу лимфадир. Талоқнинг танадаги вазифаси шуки, у сафрони лимфали қондан олмоқдир. Сариқ рангли кўфик сафродир. Ўт пуфагининг вазифаси, ўша сафрони талоқдан тортиб, тўпламоқ. Қон жигардан чиқса қуюқ ва қувватсиз бўлади. Буйракнинг танадаги вазифаси, у қон орасидаги сувни ўзига тортиб олиб, қоннинг томирларда жорий бўлишини таъминлай-ди. Агарда ўт пуфагига зарар етса, қонга сафро аралашиб қолади. Натижада сариқлик хасталиги майдонга келади. Сафро билан алоқали бошқа хасталик-лар ҳам бош кўтаради. Талоққа зарар етса, сафро қонга аралашади. Бунинг натижасида бир қанча касалликлар келиб чиқади. Мабодо буйракка зарар етса, сув қонга алмашиб, ундан қоринга сув йиғилиш касали пайдо бўлади.

Мутафаккир ўз қарашларида тананинг ташқи ва ички аъзоларининг ҳар бирини алоҳида вазифа учун яратилгани, танага буларсиз зарар етиши ҳамда инсон танаси бовужуд мухтасарлиги билан олам ичидаги барча мавжудотлар-дан мукаммал эканлигига алоҳида урғу қаратади.

Ғаззолий ёзади: “...балки тани одамй, бо мухтасарии вай, мисоле аст аз ҳама олам, ки аз ҳар чи дар олам офаридааст, андар вай намудгоре аст”². Яъни, инсоннинг бадани, оламнинг бир намунасидир, мухтасаридир. Оламда яратилган ҳар нарсанинг инсонда бир намунаси бор деб, суякни тоғга, томир-ни ёмғир ёғдирувчига, тукларни дарахтга, димоғни осмонга, туйғу аъзоларини юлдузларга қиёслайди. Бундан ташқари, инсон вужудини оламдаги ҳар хил санъатларга ўхшатади. Ошқозондаги қувват ошпаз каби, соф, керакли егуликларни жигарга, кераксизини ичакларга тарқатадиган, боғбон мисоли. Яна бир аъзо таомни жигарда қон рангига келтирадиган, бўёқчига ўхшайди. Ва яна бир аъзо жигардан сувни тортиб, сийдик қописа қуядиган, сувчига монанд. Бошқа бир аъзо инсон вужудидаги иллатларни йўқотиб, амирга ўхшатади. Ҳақиқатдан инсон танасининг ички олами турфа хил. Бундай ҳолда инсон вужудининг яратилишига диққат билан боқмоқ, Тангрининг сифатларини билмоқнинг калитидир. Бундан кўринадики, тана илмини билиш ҳам, ўз нафсини таниш учун бир боб.

Ғаззолий тана ва руҳнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бири – иккинчисини ўзаро тақозо етиши ва уларнинг борлиги инсон тириклигининг асоси эканлигидан далолат беришини айтади. У дунё лаззатларининг руҳда танасиз ҳосил бўлишини “руҳоний жаннат” деб, алам-оғриқнинг танасиз руҳга етишини эса “руҳоний жаҳаннам” деб атайди ва инсон

¹ Хужжат ул-Ислом имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. Қўлёзма. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 527. – В. 23.

² Хужжат ул-Ислом имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимиёи саодат. Қўлёзма. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 527. – В. 45.

руҳини икки қисмга бўлади. Ҳайвоний руҳ ва инсоний руҳ¹. Ҳайвоний руҳни қандилга, инсоний руҳни қандилнинг пилигига ўхшатади. Шунингдек, у руҳнинг мижози масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратади. “Инсоний руҳ жисм эмас, чунки, у бўлинишни қабул этмайди. Аллоҳни танимоқлик, билмоқлик унда бўлади”, - деб ёзади. Бундан кўринадики, инсоний руҳ – ҳайвоний руҳга тобе эмас. Ҳайвоний руҳ – инсоний руҳнинг улови. Ғаззолий инсон руҳиятининг куйи, иррационал қатлами – ҳайвоний руҳ деб, юқори рационал қатламини эса инсоний руҳ, деб тушунтиради. Бундан кўринадики, инсоний руҳ ҳайвоний руҳни бошқаради. Аллома таълимотининг аҳамиятли жиҳати, ҳайвоний руҳни онг ости руҳий жараёнлар мисолида таҳлил эта туриб, уни меъёрида сақлаш мумкинлигини кўрсатиб, руҳиятнинг онг ости қисмини тарбиялаш мумкинлигини асослаб берганлигидадир.

Руҳнинг юқори босқичи Ғаззолий эътирофича, қалбни ҳам мувофиқ-лаштириши мумкин. Инсоний руҳ – бу қалб ҳақиқати. Унинг мўътадиллиги ибодат ва риёзат билан. Уни шариат билан билса бўлади. Шариат – инсоний руҳни мўътадил сақлаб, унинг саломатлигига сабаб бўлади. Ғаззолий ҳайвоний ва инсоний руҳни ижтимоий муносабатларга мувофиқлаштириш, тарбиялаш ва мувофиқлаштириб бориш мумкин, деб кўрсатади.

Ғаззолий баданни ватанга қиёслайди. Унингча, бадан йўлчилигининг қиймати йўқ. Чунки, бадан инсоннинг ҳақиқати ва асоси бўлган руҳнинг қа-рор топган еридир. Йўлда унинг бир талай манзиллари бор. Ҳар манзил алоҳида бир оламдир, деб: “Ва ватану қароргоҳи вай аввал маҳсусот аст; он гаҳ мутаҳаййилот; он гаҳ мавҳумот; он гаҳ маъқулот. Ва маъқулот манзили чаҳоруми вай аст ва аз ҳақиқати худ дар ин олами чаҳорум хабар ёбад ва беш аз ин хабар надорад.”² Яъни, ватани ва илк қароргоҳи ҳислар олами. Сўнгра, ҳаёллар олами, сўнг мавҳумот олами, ундан кейин эса маъқулот (ақлий) оламдир. Оламни ҳис этиш, руҳнинг дастлабки манзили. Ҳаёллар манзилида инсон ҳайвон даражасига етади. Бирор нарсадан жабр кўрса, кейинги гал ундан сақланади. Мавҳумот манзилида инсон яхши билан ёмоннинг фарқига боради. Маъқулот оламида инсон руҳи ҳайвонлар мартабасидан ўтади. Инсоннинг ақли ва фаҳми камолга етмагунча у ҳайвонларга шерик ҳисобланади. Агар инсонда ақл камолга етса, инсон оламининг аввали шу ва шу асосга кўра, инсон барча ишларнинг ҳақиқатини, сўз, тушунчаларнинг маъноларини мулоҳаза қилади. Шунинг учун Ғаззолий маъқулот даражасини анбиё ва тасаввуф аҳлининг мартабаси, деб кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Ғаззолий фалсафа тарихида инсон тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни янги босқичга кўтариб, уни бир бутун таълимот, яхлит система қилиб расмийлаштирди. Инсоннинг танаси билан руҳи орасидаги ўзаро алоқадорликни тушунтириб, инсон ҳаётининг маъноси, моҳияти ва мазмунини аниқлашга уриниб кўрди. Шунингдек, ислом фалсафасида илоҳиёт вакиллари руҳиятни қалб, юрак билан айнанлаштирган бир вақтда, Ғаззолий руҳиятни қалбдан, юракдан кенг ва мазмунлироқ эканлигини тушунтириб бериб, инсон камолотида руҳий тарбиянинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқди. Ушбу таълимотнинг илмийлиги шундаки, унда аллома ўз қарашларини асослаш учун, Қуръон ва Ҳадислардан ташқари, ҳаётий мисоллар билан тушунтириб, асосланганлигидадир.

ТАБИБИЙ ВА ҒИЁСИДДИН ҒИЁСИЙ

Жасурбек Маҳмудов,

ЎзДСМИ доценти, филология фанлари номзоди

XIX аср охири XX аср бошларининг зулҳиссойи шоири Аҳмад Табибий (1868 – 1910) ўзининг серқирра ижоди давомида бир қатор форс-тожик тилидаги ғазалларга мухаммаслар битган. Унинг биринчи девони “Тухфат ус-султон”да 125 та ва иккинчи девони “Мунис ул-ушшоқ” девонида 86 та, жами 211 та форс-тожик тилидаги мухаммас мавжуд.

Ушбу мухаммасларни классификация, яъни муаллифлари жиҳатидан таснифлаб чиқадиган бўлсак, Табибийнинг нақадар бой манбага эга бўлганини, аниқроғи, кўпчилик

¹ Имом Ҳуччатулислом Зайнулдин Абӯҳомид Муҳаммади Ғаззолий. Кимийи саодат (Чилдҳон I ва II). Техрон: Интишороти “Суруш”, 1999. – Б. 79.

² Ҳужжат ул-Ислом имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимийи саодат. Қўлёзма. Бухоро вилоят Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фонди, № 527. – В. 101.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ ҲОЖА ОРИФ МОҲИТОБОН.....	121
Ҳажиева Мақсуда ИМОМ АЛ- БУХОРИЙНИНГ АСАРЛАРИДА БИЛИМ-ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ МАСАЛАЛАРИ.....	127
Саифназаров Исмоил, Ҳўжаев Мўминжон АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ДИНИЙ – МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА БУХОРО МАДАНИЯТИНИНГ ТАЪСИРИ.....	129
Саламова Х.Ю. МЫСЛИТЕЛИ БУХАРЫ О КРИТЕРИЯХ ДУХОВНОЙ МЕРЫ	134
Халим Тураев НАКШБАНДИЯ В ЖИЗНИ ЕЁ СОВРЕМЕННЫХ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ	142
Сафарова Нигора ХОЖАГОН ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ГНОСЕОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	143
Юнусова Гуландом ҚОДИРИЯ ТАЪЛИМОТИДА ИЛМ ВА АМАЛ БИРЛИГИ ҒОЯСИ.....	146
Шермухамедов Аббас ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ИСЛАМА И ИНТЕРНЕТА.....	148
Ш.Ш.Олимов, Ю.З.Саидова Ислом динида маънавий-ахлоқий тарбиянинг ифодаланиши	151
Маҳмудов Равшанбек АБУ АЛИ ИБН СИНО ИЛМИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА ЁШЛАР.....	154
Болтаев А.А.ИБН АРАБИЙ ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ ДАРАЖАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ	157
Бабашев Фарход ХХ АСР БОШИДА ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШИДА МАТБУОТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.....	159
Абдукодир Зоҳидий “Бухоро шариф” миллий давлатчилигимиз, маънавиятимиз бешиги	163
Иброҳим Усмонов МОВАРОУННАҲРГА “ТАСАВВУФ” ИСТИЛОҲИ КИРИБ КЕЛИШИ ХУСУСИДА	166
Комилжон Раҳимов АБУ ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ – БУХОРОНИ “ҚУББАТ УЛ-ИСЛОМ” ЭТГАН АЛЛОМА	169
Турсунов Бахтиёр, Кадирова Соҳиба АЛЛОМАЛАРГА БЕШИК БЎЛГАН ЮРТ	177
Azizkhoja Inoyatov IMAM BUKHARI’S SIRAN IN HIS BOOK “SIYAR A’LAMUN NUBALO” THE IMPORTANCE OF SANIHUL BUKHARI IN TAFSIR	180
Ҳайитов Шавкат, Қудратова Камола «АЛ-ЖОМИЪ АС- САҲИҲ» НУРИ.....	193
Комилжон РАҲИМОВ ХОЖА МУҲАММАД БОБО САМОСИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ: ЗИКРИ ХАФИЙГА ҚАЙТИШНИНГ БОШЛАНИШИ.....	195
Анварова М.Н.РОЛЬ «ЛАТАИФ АЛ-АМСАЛ» РАШИДУДДИНА ВАТВАТА НА СОСТАВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЯ ПАРЕМИОЛОГИЧЕСКИХ СЛОВАРЕЙ В ПЕРСИДСКО - ТАДЖИКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ	198
Машарипова Гуларам ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙНИНГ ИЛМ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҲАДИСЛАРИНИНГ ЎРНИ	203
Агзамходжаева Шахноза ИМОМ БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИ - ҲАҚ ВА ДИЁНАТ ЙЎЛИГА ЧОРЛАЙДИГАН ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАДИСЛАРДИР	205
Шокиров Мубин ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ТАСАВВУФ ВА ФАЛСАФА.....	207
Ҳамроев Ҳ.Р. БУХОРО ИСЛОМ ИЛМИ ВА МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ СИФАТИДА	208
Мухамеджанова Л.П. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ДИНГА МУНОСАБАТИ МАСАЛАЛАРИ.....	213
Қиличев Р.Э. ҲАЗРАТИ ОХУНИ КАЛОН МАВЛОНО ЮСУФ ҚОРАБОҒИЙ	216
Зойиров Эркин МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ – БУХОРОИ ШАРИФНИНГ УЧИНЧИ ПИРИ.....	218
Дусмухамедова Ш.А., Байқунусова Г.Ю. МИЛЛИЙ ТАРБИЯДА НАКШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	220
А.Азизкулов ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚИЁФАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ.....	222
Музаффаров Фируз ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙНИНГ РУҲИЯТ ФАЛСАФАСИ.....	224
Жасурбек Маҳмудов Табибий ва Ғиёсиддин Ғиёсий	227
N.Dj. Yadgarov BUKHARA IS THE PEARL OF THE EAST.....	233
Отабек Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖАМЕЪ АС-САҲИҲ” АСАРИНИ ТАЪЛИФ ЭТИШДАГИ УСЛУБЛАРИ.....	235
Гуламова Мавжуда АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНАВИЙ ИЙМОН ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА	238
Отабек МУҲАММАДИЕВ. АЛОУДДИН УСМАНДИЙНИНГ МОВАРОУННАҲР КАЛОМ ИЛМИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	240
Б.Қ.Ходжаев, Б.Б.Ходжаев БАҲОУДДИН НАКШБАНД ИЛМИЙ-ДИНИЙ МЕРОСИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ.....	248
Жумаев Улғубек ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЛМИЙ МЕРОСЛАРИДА ШАХС КАМОЛОТИ МАСАЛАСИ.....	251
Sayidova Nazokat, Mirzayeva Gulhayo BUXORODAN BOSHLANGAN BUYUK TARIX YOXUD TARIX VA BIZ	252
Кличев Ойбек АМИР АБДУЛАҲАД САФАР КУНДАЛИКЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	254
Р.Р.Нуркулова, Г.К.Раззокова АМИР ТЕМУР – ИСЛОМ ДИНИНИНГ ХОМИЙСИ	256
Л.С.Юлдашева АБДУҲОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙНИНГ ИНСОН КАМОЛОТИГА ОИД ЎГИТЛАРИ: ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ	259
Музаффаров Фируз ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ МЕРОСИДА ИНСОН ВУЖУДИ (БОРЛИҒИ) ВА РУҲИ УЗВИЙЛИГИ, ИНСОН ЎЗЛИГИ (НАФСИ) МУАММОСИ	261
У.А.Қосимов ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИ ПСИХОЛОГИЯСИ ШАХС ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ ОМИЛ.....	264